



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 7 январь, № 3 (8898)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## Янги Ўзбекистон Армияси — Мамлакатимиз Таянчи, Халқимиз Фахри



Кейинги йилларда Куролли Кучларимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор ва ихчам миллий армиямиз шаклланиб, унинг сафларида хизмат қилиш юртининг ҳар бир ўғлони учун юксак шарафга айланди.

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг моддий-техника базаси ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, ҳарбий қисм ва бўлинмалар энг янги русумдаги қурол-аслаҳалар, техникалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда муҳандислик иншоотлари билан таъминланмоқда. Энг муҳими, ушбу технологиялардан самарали фойдалана

оладиган стратегик фикрловчи, интеллектуал салоҳиятга эга, малакали офицер кадрлар ва сержантлар таркибини тайёрлаш жараёни янгича асосда ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари — Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан Ватан посбонларининг жанговар шайлигини мунтазам ошириб бориш билан бир қаторда, уларнинг маънавий салоҳиятини ҳам юксалтириш вазифаси белгиланган. Бугун чегара қўшинларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни мустаҳкамлаб, ҳарбий хизматчиларнинг билими, маънавий савияси ҳамда интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш масаласи устуворлик касб этмоқда.



### Муносабат

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ОМИЛИ

Давлатимиз томонидан “яшил” иқтисодиётни, қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳуқуқий замин яратилган бўлиб, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар такомиллаштирилди. Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди, “яшил” энергия манбаларини барпо этиш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

Хужжатлар доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланилган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди. Инвесторлар учун катта имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизда “яшил” энергетика бошқа соҳа ва тармоқларнинг ривожини, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши учун янги драйверга айланмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлар томонидан 1 минг мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатилиб, йилга 1,5 млрд. киловатт-соат электр энергияси олиш йўлга қўйилди. 2023 йил апрелдан “Қуёшли хонадон” дастури доирасида хонадонига қуёш панелларини ўрнатган жисмоний шахсларга қуёш панели орқали ишлаб чиқарилган ва ягона энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соати учун 1000 сўмдан субсидия ажратилиши йўлга қўйилган бўлиб,

2024 йилда 6 мингдан зиёд жисмоний шахслар ушбу дастурдан фойдаланган. Электр тармоқларига ўтказилган қуёш энергияси учун Давлат бюджетидан қарийб 9 млрд. сўм субсидия олган.

Қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкор технологиялар жорий этилишида истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг электрон платформаси (energymarket.uz) ишга туширилди.

2024 йилнинг декабрь ойига қадар Ўзбекистоннинг 7 та вилоятида соҳага киритилган 2 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобига қуввати 2,7 гига-ватт бўлган 9 та қуёш ва битта шамол электр станциялари ишга туширилди. Деярли барча вилоятда замонавий қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилмоқда.



### Сиёсий партиялар фракцияларида

## ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Жумладан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларини турли табиий офатлар ва бошқа хатарлардан қўриладиган зарарлардан суғурталаш орқали ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини белги-

лаш, қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш жараёнида қатнашувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Шунингдек, Қишлоқ ҳўжалигини суғурталаш жамғармасини ташкил этиш, суғурта тизимини тўлиқ рақамлаштириш, хатарларни қайта суғурталаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурталашга кенг жалб қилиш ва уларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби назарда тутилган.

Муҳокама давомида фракция аъзолари Абдуманноп Бўриев, Фирдавс Қур-

бонов ва бошқалар қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад, вазифаларидан келиб чиқиб лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ҳамда тавсияларини билдирди. Айрим нормалар юзасидан бир қатор саволлар кўтарилиб, қонун ташаббускорларидан изоҳ сўралди. Улар депутатларнинг саволларига батафсил тушунтириш бериб, билдирган таклифлар қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида эътиборга олиншини қайд этишди.



## БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

эл-юрт тақдири билан  
чамбарчас боғлиқ

Тежамкорлик

Дунёда иқлим ўзгариши оқибатида сув танқислиги йилдан-йилга глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Биргина Марказий Осиёдаги музликлар майдонининг қарийб 30 фоизга қисқариб бораётгани минтақамизда сув танқислигини юзага келтирмоқда. Агар ўз вақтида бунга зарур чоралар кўрилмаса, ушбу бебаҳо неъмат билан боғлиқ вазият янада таранглашиши мумкин. Сўнгги йилларда бу муаммо юртимизда ҳам яққол сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодиётнинг турли соҳалари ва қишлоқ ҳўжалиги жадал суръатлар билан ривожланиши сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб боришига олиб келмоқда. Бундай шароитда аҳоли ўртасида чўчук сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг ўта долзарблиги инobatта олиниб давлат даражасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.



### Иزلаниш



## ЗОМИНДАГИ ЗАМОНЛАР ИЗИ

ёҳуд ўзбек археологиясининг улкан ютуғи

2024 йил октябрь ойида ўзбекистонлик ва америкалик археологларнинг ҳамкорликда олиб борган илмий изланишлари натижаси “Nature” журналида чоп этилди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ходими Фарход Мақсудов, Сент Луисдаги Вашингтон университети (АҚШ) профессори Майкл Фрачетти ва яна бир гуруҳ археологлар томонидан Зомин тоғларида қадимги Буюк Ипак йўлидаги номаълум шаҳарлар топилгани баён қилинган.

Мазкур изланиш Марказий Осиё археологиясидаги айрим тушулчаларни сўроқ остига қўйгани учун “New York Times”, “CNN”, “BBC”, “National Geographic” ва “Le Figaro” каби нуфузли ОАВ саҳифаларида ҳам кенг ёритилди. “Ф. Мақсудов ва ҳамкасблари дронлардан фойдаланиб “Lidar” деб номланган ҳаводан тасвирга олиш техникасини қўлла-ган ҳолда, ўрта асрларда тоғли ҳудудларда инсон томони-

дан қурилган иншоотлар қолдиқларини аниқлашга муваффақ бўлган. Бу Марказий Осиёда Лидар технологиясига асосланган биринчи тадқиқот бўлиб, унинг натижасида денгиз сатҳидан 2000 метр юқоридаги Буюк Ипак йўли савдо тармоғининг маркази сифатида гавдаланган икки йirik урбанистик марказ аниқланган.

Ф. Мақсудов ва унинг халқаро ҳамкорлари ўз тадқиқотларини 2011 йили Зомин туманининг тоғли ҳудудида ўрта асрларга оид Тошбулоқ шаҳарчасини топиш ва ўрганишдан бошлаган эди. Улар 2015 йили Бахмал тумани тоғларида қўламини анча кенг иккинчи шаҳарни кашф этишди. Тошбулоқ ва Тугунбулоқ Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқидagi Моргузар (Илонўтти) тизмасининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, бу ҳудуд Помир тоғларининг Шимолий тармоғи ҳисобланади. VI — XI асрларга оид бу шаҳарлар тарихан ўзбек халқининг келиб чиқишида

муҳим аҳамият касб этган қудратли туркий сулолалар — Турк хоқонлиги ва қорахонийлар даври билан боғлиқлиги аниқланган.

Турк хоқонлиги ва қорахонийлар ўз даврида Марказий Евроосиёнинг катта қисmini, жумладан, Туркистон ўлкасини ҳам бошқарган. Саҳифаларимизда ушбу тадқиқот муаллифларидан бири Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ходими, тарих фанлари доктори Фарход Мақсудовнинг “Nature” журналида чоп этилиб, катта шов-шувларга сабаб бўлган ўша илмий мақоласи, қолаверса, ўзбек олимнинг жаҳон археологиясида ҳодиса даражасида қабул қилинган мазкур тадқиқот ҳақидаги мухтасар мулоҳазаларини ҳукмингизга ҳавола этишни лозим топдик.

3-саҳифага қаранг.



# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари ишти- рокида янги энергетика қувват- ларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишлан- ган тантанали маросимда энергетика соҳасида умумий қиймати 7 млрд. дол- лардан зиёд бўлган 18 та мажмуанинг фаолияти ва 6 та лойиҳанинг қурили- ши бошлаб берилди.

Янги лойиҳалар орқали келгуси йил- ларда қўшимча 9,5 млрд. киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 млрд. кубом- етр табиий газ тежаллади, 4,6 млн. тон- на зарарли газлар чиқилишининг олди олинади. Тўрт миллиондан зиёд хона- донлар узлуқсиз тоза энергия билан таъминланади.

Халқаро компаниялар билан умумий қуввати 20630 мегаватт бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 38 та шартнома имзоланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 21,121 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, тўғридан-тўғри киритил- ган хорижий инвестициялар ҳисоби- дан Бирлашган Араб Амириклари, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой ва Германия компанияларига, Осиё та- раққиёт банки, Осиё инфратузилма- вий инвестициялар банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки

ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манба- ларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улу- ши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2030 йилга қадар яна 19 минг мега- ватт “яшил қувват”лар барпо этилиб, умумий энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган. 2025 йили 3,4 минг мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг ме- гаваттлик саклаш тизимлари ишга ту- ширилиб, “яшил” энергия ишлаб чиқа- риш ҳажми 12 млрд. киловатт-соатга етиши кутилляпти.

Юртимизда иқтисодий фаол ўсиш, ишлаб чиқариш ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юқалиши биро- бариди ортиб бораётган талабни қоп- лаш учун 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 135 млрд. киловатт-соатга етказиш ке- раклиги тахмин қилинмоқда ва бунда саклаш тизимларининг минимал ҳажми 4 000 мегаватт ёки 8 000 мегаватт- соат қувватга эга бўлишини назарда ту- тувчи аниқ дастур ишлаб чиқилган.

Қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш манбаларидан ташқари, энер- гия саклаш тизимларини яратиш бўйи- ча ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ўзбе- кистонда илк бор ҳар бири 150 мега-

ватт қувватга эга иккита энергия саклаш тизими Хитой компанияси бил- лан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа доирасида барпо этилиб, ишга туширилди.

“Яшил” энергетика йўналишида мин- тақавий ва халқаро ҳамкорлик ҳам кен- гайтирилмоқда. Бу борада минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъ- минлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга тушири- лишига келишиб олинди. Бундан таш- қари, Қозоғистон, Озарбайжон ва сау- диялик ҳамкорлар билан “яшил” энер- гияни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.

Марказий Осиё электр энергияси ишлаб чиқариш учун қуёш, шамол, сув каби табиий ресурслар мавжуд минтақадир. Ташкиллар мамлакатимизда қуёш ва шамол энергияси салоҳияти электр энер- гиясига бўлган ҳозирги талабдан 10 — 12 баробар юқори эканини кўрсатади.

Мамлакатнинг “яшил” энергетикага жадаллик билан ўтиши минтақада эко- логик мувозанатни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини узлуқсиз таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зумрад БЕКАТОВА,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## Сенатор ва ҳаёт ЛИЦЕНЗИЯСИЗ АВТОМАКТАБДА ЎҚИГАНЛАР ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун имзоланиб, унда йўл ҳаракати бўйича асосий тушунча ва принциплар, давлат бошқаруви ҳамда бошқа муносабатлар тартибга солинди.

2023-2024 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳара- кати тааллуқли ўндан ортиқ ҳужжатлари қабул қилинди. Шаҳар ва қишлоқларда янги йўллар, кўприклар қурилиб, таъмиртабалари рекон- струкция қилинди. Тартибга солинмайдиган пие- давалар ўтиш жойларидеа ётиқ чизиклар чизилиб, светофорлар ўрнатилди.

Қурилган чоралар натижасида ўтган йилнинг 9 ойи давомида умумий йўл-транспорт ҳо- дисалари 5,6 фоиз, ўлим билан боғлиқ ҳо- дисалар 2,3 фоиз, тан жароҳати билан боғлиқ ҳо- дисалар эса 6,5 фоиз камайишига эришилди.

2023 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбе- кистон Республикасининг айрим қонун ҳуж- жатларида қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғри- сида”ги Қонунга асосан ҳайдовчларни тайёр- ловчи таълим субъектларига лицензия бериш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишининг яго- на тизими яратилди. Бироқ ишлар барча ҳудуд- да ҳам изчил йўлга қўйилмагани сабабли соҳа- да ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжуд.

Хусусан, ушбу қонунга мувофиқ автомо- тотранспорт ва электр транспортли воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёр- лаш йўналишида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш бўлсади Ички ишлар ва- зирлигига ўтказилган ҳолда, бугунги кунга қадар Сурхондарё вилоятидаги бирорта авто- мактаб фаолияти лицензияланган.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёр- лаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини лицен- зиялаш ваколати Ички ишлар вазирлигига ўт- казилганига қадар Сурхондарё вилояти бўйича ли- цензия олиб фаолият юритган тадбиркорлик субъектлари сони 48 тани ташкил этган. Улар то- монидан фақатгина 2023 йилнинг ўзида 18 минг 641 нафар ҳайдовчи тайёрланган. Бугунги кунда эса Ички ишлар вазирлиги томонидан лицензия бериш масаласи ҳал қилинмаётгани сабабли ҳайдовчиларни тайёрлаш ишлари амалга оши- рилмаяпти.

Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган ав- томототранспорт воситаларини бошқариш учун номзодлардан имтиҳон олиш автодромлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 272-қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 18 январдаги 27-буйруғи талаблари- га мувофиқ келмагани сабабли номзодларни имтиҳонлардан ўтказиш ишлари тўхтатилган.

Оқибатда илгари автомактабларда ўқиган ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун қайта имтиҳон топшириши лозим бўлган фуқаролар бу масала бўйича Қашқадарё вилоятига бориш- га мажбур бўлаётир ва фуқароларнинг ҳақли эътирозлари кўпаймоқда.

Бу каби ҳолатлар қабул қилинган қонунлар- нинг ижросини таъминлашда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан етарли эъти- бор қаратилмаётганидан далолат бериб, авто- мобиль йўлларда хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўришни тақозо этади.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва корруп- цияга қарши курашиш қўмитаси раиси томони- дан транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ҳамда қайта тайёрловчи автомак- таблар фаолиятини лицензиялаш муҳимлиги қайд этилган. Сурхондарё вилоятида жойлаш- ган имтиҳон олиш автодроми фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бошларда йўл ҳаракати қодалари бўйича етарли қўшмақиларни шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақ- садига олиб борилаётган чора-тадбирлар, шу- нингдек, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати- нинг режалари юзасидан жорий йилнинг 14 я- варига қадар асослантирилган тушунтиришлар бериш бўйича сенатор сўрови юборилди.

Натижалар билан келгусида таништирамиз.

«Халқ сўзи».

## ЯНГИ РЕЖАЛАР, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглар эканман, кўз олдимиздан сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар ва янгиланишлар, ютуқ ва ташаббуслар ўтди.

### ■ Акс садо

Жонажон диёримизда бу каби ўзгаришлар, инсон қадрини улуғ- ловчи ислохотлардан қалбим қувончга, фахрга тўлди. Кўп мил- латли Ватанимиз бугун дунё ҳам- жамиятида ўз ўрни, ўз овози ва обрўсига эга бўлди деб баралла айта оламиз. Айниқса, якунига етган йил мамлакатимиз ва халқимиз учун баракали, салмоқ- ли ютуқларга бой бўлди. Булар- нинг барчасига Президентимиз таъкидлаганидек, “мехнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳ- нати, сиёсий-иқтимоий фаолли- ги билан” эришдик, десак, тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, шу бир йил мо- байнида юртимиздаги ўзгариш- ларни сезмаслиқнинг имкони йўқ. Мамлакатимиз бўйлаб юқори технологияли янги саноат мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомо- билъ ва темир йўллар барпо этилгани, бизнес, IT ва туризм соҳалари изчил ривожланаётга- ни, минглаб уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, мадани- ят ва спорт масканлари қад кўта- раётгани, билимни ва шижоат- ли, навқирон ёшларимиз улкан ютуқларни кўлга киритаётгани, айниқса, Олимпия ва Паралим- пий ўйинларида эришилган ре- корд натижалар миллий спорти- нинг тарихида янги саҳифа очга- нини ким ҳам инкор эта олади?!

Юртимиз кун сайин обод гўшага айланиб бораётгани, асо- сийси, одамларимиз қалби ва онгида келажаққа ишонч, ҳалол меҳнат ва тadbиркорлик фаро- вон турмуш гарови эканига сид- қидилдан ишонч ортаётгани биз- нинг, халқимизнинг улкан ютуғи эмасми?!

Шуни ҳам таъкидлаш керак- ки, бу ютуқ ва зафарларни яна

давом эттиришимиз, олдимизга қўйилган эзгу режа ва мақсад- ларни бирдамлик, яқдиллик бил- лан амалга оширишга бел боғ- лашимиз даркор. Президентимиз бу борада устувор вазифалари- миз нималардан иборатлиги ҳу- сусида фикрларини ифода этиб берди. Зеро, “Атроф-муҳитни ас- раш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб ном берилган 2025 йилда инсон ва табиат мувозанатига асосланган тизим яратиш, биз- нес учун янада кенг имконият- лар эшигини очиш, ҳусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, хори- жий инвестицияларни фаол жалб қилиш ишларини қатъий давом эттириш асосий мақсадларимиз- дан ҳисобланади.

Шунингдек, ижтимоий соҳа- лар, фарзандларимизнинг замо- навий билим ва касб-ҳунар эга- си бўлишига эътибор қаратил- ди. Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожлантирила- ди. Фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшларга ғамхўрлик қилиш, иж- тимоий ҳимоя самарасини оши- риш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, Қуролли Қуч- ларимиз салоҳиятини мустаҳкам- лаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз. “Инсон қадри учун, инсон бахти учун!” деган олийжаноб мақсадни барчамиз биргаликда амалга оширамиз.

Янги йилда кўзланган мақсад- лар бисёр, халқимиз фаровон- лигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури мукам- мал. Бунда барчамиз сидқидил- дан меҳнат қилишимиз талаб этилади.

Манзурахон САЛИМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты.

# ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ АСОСЧИСИ

Туркистон жадидчилигининг асосчиси, жамоат ва давлат арбоби, маърифатпарвар ижодкор, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий ўзбек миллати тарихида маънавий ҳасорат соҳибни сифатида ўчмас из қолдирган. Унинг маърифатпарварлик ва маънавият тарғиботчиси сифатидаги ғоявий қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

### ■ Фикр

Бехбудийнинг ниҳоятда мураккаб даврда кечган машаққатли ҳаёт йўли, сиёсий, илмий, ижодий фаолияти ни- ҳоятда кенг, сермазмун ва серқирра. Зеро, у миллий озодлик ҳаракатининг буюк намоёндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожланти- риш йўлида ўз ҳаётини бахш этди.

Ношир XX асрнинг бошларидаги ғоят мураккаб даврда ўзбек милла- тини илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида яна бир қарра олдинга ундаш учун катта ҳасорат ва журъат билан сиёсий майдонга келган. Бех- будий ота томондан Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлиб оиладаги муҳит унинг келажақда интеллектуал, замо- навий дунёқарашга эга, улуғ сиймо сифатида шаклланишида асосий омил бўлади. XX аср бошларида бир неча давлатларга қилган саёхатла- ри унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисо-

дий қарашларини тубдан ўзгартириб юборади.

Маҳмудхўжа Бехбудий теран фикрли, миллатпарвар инсон сифа- тига халқнинг маънавиятига бефарқ бўлмаган. Унинг Самарқандда таш- кил этган “Қироатхона Бехбудия” кутубхонаси Марказий Осиёдаги дастлабки замонавий кутубхоналар- дан саналади. Қолаверса, у халқи- миз сиёсий дунёқарашини кенгайти- риш йўлида ҳам самарали меҳнат қилди. Бунда Шарқда машҳур бўлган Исмоилбек Гаспирали ва у чиқарган “Таржимон” газетасининг таъсири каттадир.

Маълумотларга кўра Бехбудий то- монидан ўша даврда 18 номдаги га- зеталар 200 дан ортиқ мақолалар эълон қилинган унинг публицистик фаолияти самарали бўлгани ҳамда ўз ғоявий қарашларининг тарғиботида янги ва замонавий ахборот восита-

# ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Қонун ташаббускорларининг айтишича, ушбу лойиҳа мамла- катда ҳосилни суғурталаш тизимини жорий қилиш орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга қўлай шарт-шароитларни яратишга имкон бе- радиган суғурта мажбуриятларини ба- жарош бўйича тегишли ҳуқуқий муно- сабатларни тартибга солади. Фракция аъзолари мазкур ҳўжжат қишлоқ ҳўжа- лиги экинларига хавф-хатарлар туфай- ли етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги таваккалчилик- лари суғуртасини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси яратилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йи- гилишида баъзи турдаги тамаки маҳ- сулотлари, тамакини ва никотинни ис- теймоқ қилиш мосламалари, жумладан, электрон сигареталарнинг муомаласи- ни тақиқлашга қаратилган қонун лойи- ҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан, тамаки маҳ- сулотлари тарқатилишини ва истеъмоқ қилинишини чеклаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо та- маки ва никотин маҳсулотларининг “за- монавий” ва “инновацион” турлари, ху- сусан, никотинни етказиб бериш мос- ламалари, электрон сигареталар ва улар учун суюқликлар ҳамда қиздири- ладиган тамаки маҳсулотларини мам- лакатимизга қўнганга хилоф равишда олиб кириш ҳолатлари ва айланмаси ортиб бормоқда. Ачанарлики, бу маҳ- сулотлар билан аҳоли, айниқса, ёшлар- нинг “озикланиш” ҳолатлари кўпайди.

Шундан келиб чиқиб ушбу қонун лойиҳаси билан мамлакатимизда нико- тинни истеъмоқ қилиш мосламалари, жумладан, электрон сигареталар ва улар учун суюқликларнинг муомаласи — ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саклаш, ташшиш ёки ўтказиш, Ўзбекистон ҳуду- дида олиб кириш, олиб чиқиш тақиқла- няпти ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, қонун лойиҳаси болалар ва ўсмирлар орасида янги тамаки ва никотин маҳ- сулотлари истеъмоли камайишига, БМТнинг Барқдор ривожланиш мақ- садлари ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришиш, келажақ авлод соғлигини сақлаш ва миллат генофон- дини соғломлаштиришга хизмат қилади.

Фракция аъзолари партия ушбу ма- салани узоқ йиллардан буюн кўтариб келаётганини таъкидлаб, уни такомил- лаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда ер участкаларидан фой- даланиш тартибининг янада такомил- лаштиришга қаратилган қонун лойиҳа- си ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини жорий қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритил- моқда. Ер кодекси алоҳида боб билан тўлдирилиб, унда ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш тизимини жорий қилиш, уларни белгилаш ва ўзгартириш тартиблари акс этапти.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳа- си фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-де- мократик партияси фракцияси йиғи- лишида аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойи- ҳаси қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда экология ва атроф- муҳит муҳофазасини кучайтириш, эко- логик вазиятни яхшилаш, иқлим ўзга-

ришларининг олдини олиш ва унга мосла- шиш, дарактзорлардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг маданий дам олиши учун шарт- шароитлар яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо шунга қарамай республикамиздаги сайилгоҳлар, хиёбон- лар, истироҳат боғла- ри ҳудудларининг ва уларда экилган дарактларнинг муҳофа- засини кучайтириш, уларнинг ерлари- да бинолар ва иншоотлар қурилиши- нинг олдини олиш зарурати юзага келмоқда.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойи- ҳаси маданий мерос ва аҳоли ҳордиқ масканларини сақлаш, уларнинг эколо- гик барқарорлигини таъминлаш ҳамда фаол ҳимоя тизимини яратишга қарати- лган бўлиб, унинг қабул қилиниши экология ва атроф-муҳит муҳофазаси- га ҳамда ҳаво ифлосланишининг олди- ни олиш, дарактларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси- ни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни- да фракция аъзолари томонидан масъ- ул қўмита билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, сиёсий партиялар фракциялари берган таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, улар- нинг аксарияти эътиборга олинганини қайд этишди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракция аъзолари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам атроф- ликада қўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси билан ижро иши юритувлари бўйича ягона электрон ба- заси юритилиши белгиланмоқда. Шу- нингдек, қарздорлик, ундирув билан боғлиқ айрим тартиб-таомиллар назар- да тутилган.

Фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазала- рини билдирди. Хусусан, депутат Нодира Жонибекова лойиҳанинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ундаги айрим нормалар бўйича ўз таклифларини берди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш, жис- моний ва юридик шахслар ҳуқуқлари- нинг самарали ҳимоясига қўшажақ улу- шини эътиборга олиб, уни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ва фармацевтика ҳодимлари- ни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга оши- риш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳаси му- ҳокама марказида бўлди.

Лойиҳада тиббиёт ва фармацевтика ҳодимларини давлат рўйхатига оли- шнинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга қаратилган меъёrlар таклиф этилмоқ- да. Яъни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Давлат бюд- жети маблағлари ҳисобидан қоплана- диган тиббий ёрдмнинг қафолатлан- ган ҳажмларига киритилмаган фуқаро- ларга қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оилавий шифокор ёки тиббиёт брига- даси йўлланмасисиз тўғридан-тўғри пуллик асосда тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам лойиҳада ўз аксини топяпти.



Фракция аъзолари қонун лойиҳаси- нинг концепцияси муҳокамаси жараё- ннда ундаги ўзгаришлар, аввало, аҳоли, сайловчилар манфаатларига хизмат қилиши кераклигига урғу берди. Хусу- сан, депутатлар жойларда тиббиёт му- тахассислари етишмаётган бир пайтда уларга маълум бир синовдан ўтиш талаби қўйилса, соҳага қизиқиш сўниб қолмайдими деган савол билан муро- жаат қилди.

Масъуллар депутатлар саволларига атрофлича жавоб берди. Шунингдек, халқ вакиллари қонун лойиҳаси, яъни қонунчилик ва малака талабларига мос келадиган шахсларни саралаб олиш орқали яхши мутахассисга бўлган талабни қондириб бўлмаслигини таъ- кидлашди.

Муҳокамадан сўнг фракция аъзола- ри қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қайта қўриб чиқилиши юзасидан якуний тўхтамга келди ва уни қўми- тага қайтараш фикри бир овоздан маъқулланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Қишлоқ ҳўжа- лиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолиси сонининг ошиб бориши нати- жасида 2030 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб 1,2 бара- вар ортиш тахмин қилинмоқда. Бугун- ги кунда дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш- да турли қийинчиликлар юзага келяп- ти. Хусусан, 2023 йилги киш мавсуми- даги аномал ҳарорат таъсирида 9,1 минг гектар боғ, 4 минг гектар узум- зорни совуқ уриши оқибатида 207 минг тонна ҳосил бой берилган.

Мазкур қонун лойиҳаси қишлоқ ҳўжа- лиги соҳасида таваккалчиликларни суғ- урта қилиш сиёсатини такомиллашти- риш, қишлоқ ҳўжалиги суғуртасини амалга ошириш тартиби ва тамойил- ларини белгилаш мақсадида ишлаб чи- қилган. Унда қишлоқ ҳўжалиги суғурта- сини давлат томонидан қўллаб-қувват- лашнинг ҳуқуқий асослари, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида таваккалчиликларни суғурталашда су- гурта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилишининг ягона тизимини яратиш кўзда тутилляпти.

Фракция аъзоси Мохира Хўжаева қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхта- либ, унинг қабул қилиниши қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўл очишини таъкидлаб ўтди.

Муҳокама жараёнида депутатлар то- монидан қонун лойиҳасини такомилга етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилиб, қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида, шу- нингдек, кун тартибидagi бошқа маса- лалар ҳам атрофлича қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Изланиш

ЗОМИНДАГИ ЗАМОНЛАР ИЗИ

ёхуд ўзбек археологиясининг улкан ютуғи



2019 йили Ўзбекистон Президентининг кўрсатмаси билан Фанлар академияси тизимида Миллий археология маркази ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида мазкур илмий муассаса мутахассислари сезиларли ютуқларга эришди. Ўзбек археологиясининг асосий илмий ютуқлари “Nature”, “Science”, “Nature Communications”, “Scientific Reports”, “PLOS ONE” va “Antiquity” каби жаҳоннинг энг нуфузли журналларида чоп этилди.

Ўзбек археологлари билан йирик халқаро илмий марказлар, жумладан, Сент-Луисдаги Вашингтон университети (АҚШ), Макс Планк Геoантропология институти (Германия) ва Лондон университeтeт коллежии Археология институти (Буюк Британия) ўртасидаги ҳамкорлик илмий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий шаҳарсозлик тарихидек муҳим мавзуларда тадқиқот олиб бoриш учун янги усуллар, технологияларни жорий этишга имконият яратилди.

Урбанизм, яъни шаҳарсозлик тарихи бир асрдан зиёд вақт мобайнида археологик тадқиқотларнинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда. Урбанизм ҳодисасини тадқиқ қилиш дунё бўйлаб қадимги жамиятларнинг сиёсий, иқтисодий, технологик ва мафкуравий тузилишидаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб маълумотларни тақдим этди. Бугунги кунда “шаҳарсозлик” тушунчаси янада кенгайиб, у Ўрта аср шаҳарларида қайд этилган майдонлар кўлами ва иншоотлар зичлиги, аҳолининг фаоллиги ва функционалликдаги сезиларли ўзгаришларни қамраб олади. Бу эса паст зичликдаги шаҳарсозлик, давлат шаклланишидан олдинги мегақишлоқ маконлар, демографияси ва ижтимоий тармоқлари ўзгариб турадиган йирик, муқим марказларни ўз ичига олувчи муқобил моделларнинг пайдо бўлишига туртки бермоқда.

Шаҳарсозликнинг ушбу кенгайтирилган тушунчаси кўчманчи жамиятлар (кенг маънода) орасида аҳолиси тигиз марказларнинг қурилишини ҳам назарда тутати. Мисол учун, Африка ва Ички Осиёда аҳолининг фаоллиги кўпинча йирик ҳамда доимий масканларнинг шаклланишига кўрилган. Археология тобора чекка ҳудудлардаги шаҳарлар ривожланиши қай тарзда кечганига аниқлик киритмоқда. Бундай жойлар, масалан, ботқоқликдан иборат бўлиб, уларда йирик иншоотлар, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодий ихтисослашувнинг аънаваний муносабатлари янги шаклда намoён бўлган.

Сўнгги ўн йилда учувчисиз учиш воситасига (УУВ), яъни дронга ўрнатилган Лидар технологияси кенг ҳудудларни тадқиқ этиш, қадимги урбанистик марказларни кашф қилиш ва хариталашни тубдан ўзгартирди. Бу технология ўсимликлар ёки тро-

пик ўрмонлар билан қоплангани боис ўрганилмаган ҳудудларни тадқиқ этишда қўл келди. Ҳаводан туширилган уч ўлчамли фотограмметрия Шарқий Евроосиё ва Мўғулистоннинг кенг яйловларидаги қадимги йирик аҳоли марказларини хариталашда муҳим восита бўлди. Қадимги шаҳарларнинг аксарияти соҳил ёки пасттекисликдаги дарё водийлари ва воҳаларда топилди. Бу ҳудудлар ўнлаб йиллар давом этган интенсив археологик тадқиқотлар ва қазишлар натижалари асосида ҳужжатлаштирилди.

Пасттекисликлардаги узоқ тарихга эга йирик шаҳарсозлик тоғли ҳудудлардагига нисбатан кам учрайди. Бугунги кунда глобал аҳолининг 3 фоиздан камроғи денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда яшайди. Фақат 1 фоиз атрофидаги аҳоли 2500 метр баландликда, асосан, Анд тоғлари ва Тибет платосида истиқомат қилади. 2000 метр баландликдан юқорида жойлашган археологик шаҳарлар, масалан, Мачу Пикчу, Тиванаку, Куско ва Лхаса, одатда, ғайриоддий шаҳарлар ҳисобланади. Бундай баландликда жойлашган аҳоли пунктлари одамлар учун ижтимоий, экологик ва технологик қийинчиликларни келтириб чиқаради: деҳқончилик самарадорлиги чекланган бўлади, фасллар оғир кечати, қояли ва нотекис майдонларда ернинг емирилиши рўй бериши мумкин.


Бироқ тоғли ҳудудлардаги экологик шароит йирик шаҳарсозликни чеклайди, деган қараш, бир жиҳатдан, археологик тадқиқотларнинг камчилиги билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, тоғлик аҳолининг иқтисодий стратегияларига оид экологик инновациялар, ижтимоий ва иқтисодий тизимлашув таҳлилларини чеклайди. Бундан ташқари, тоғли ҳудудларда тез-тез содир бўладиган эрозия (емирилиш) ва тезкор кўчкилар археологик қазилмалар қолдиқларини кўмиб юбориши мумкинки, бу кузатув ва дала-қидирувларда кўлга киритилган натижаларни йўққа чиқаради.

Ушбу қийинчиликлар ҳисобга олинса, баланд тоғли ҳудудлар ҳаводан кузатувларни амалга ошириш учун идеал жойлардир. Ҳаводан кузатувлар, айниқса, УУВ-Лидар сканерлаш технологиясининг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда бажарилса, юқори илмий натижа беради. Замонавий УУВ-Лидар сканерлаш технологияси археологик теграларнинг юзасини тўла-тўқис хариталашда тобора кенгроқ ишлатилмоқда. Чунки бу тадқиқот усули ҳаводан фотосуратга (аэрофото) олишга қараганда анча юқори тиниқ тасвири тақдим этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология

маркази томонидан ташкил қилинган Ўзбек — Америка қўшма илмий лойиҳаси доирасида олиб борилган изланишлар натижасида 2011 йилда Зомин туманидаги Тошбулоқ ва 2015 йилда Бахмал туманидаги Туғунбулоқ каби археологик ёдгорликлар кашф этилди. Ушбу ноёб қадимги масканлар денгиз сатҳидан 2000 — 2200 метр юқорида жойлашган бўлиб, Ўрта асрларда (милoddан кейинги VI — XI асрларда) Буюк Ипак йўлининг тоғли теграларидаги аҳоли пунктларининг ўзаро боғланган географиясини белгилайди. Тошбулоқ ва Туғунбулоқ ёдгорликлари бугунги кунда Ер юзасидаги ўтлоқ ва нотекис майдонлар каби кўринади. Уларнинг юзасида эҳром шаклидаги йирик тепаликлар кўзга ташланади, ён-атрофда кўплаб кўҳна сопол синиқлари учрайди. Улар ушбу ёдгорликлар археологик хусусиятларининг ягона кўрсаткичларидир. Асрлар давомида тупроқ емирилишлари бу қадим масканлар қолдиқларини кўмиб, кўздан яшириб қўйганига қарамай айрим тош деворлар сиртлари узун, билинар-билинмас тупроқли қирралар ва бўртмалар шаклида ҳануз кўриниб туради.

Ўзбекистонлик ва америкалик археологлар бу ҳудудда Ер юзасининг “Ўта юқори тиниқлик” (“Very High Resolution — VHR”) моделлаштириш усулини қадимги девор қолдиқларини яримаавтоматик аниқлаш усули билан бирлаштириб, ёдгорликлардаги меъморчилик иншоотларининг тўлиқ харитасини яратишга муваффақ бўлишди. Натижада қадимги



булоқ ўрнида Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг денгиз сатҳидан 2000 метр юқорида жойлашган энг йирик шаҳарлари мавжуд бўлганини кўрсатди.

Ушбу рақамли харитадаги қадимги девор қолдиқлари, деб тахмин қилинган чизиклар ер ости геофизик тадқиқотлари (“Ground Penetrating Radar — GPR”) ва аънаваний археологик қазишмалар ёрдамида ўз исботини топди. Бу эса қўлланилган янгича услубнинг юқори самарадорлигидан далолатдир.

Туғунбулоқдаги мустаҳкам шаҳар тармоғи Ўрта асрлардаги Буюк Ипак йўлида тоғ шаҳарларининг сиёсий ва иқтисодий ўрнини қайта кўриб чиқишга, юқори баландликлардаги йирик аҳоли масканларини ҳамда инфратузилмани қўллаб-қувватлаш

▶ **VI — XI асрларга оид бу шаҳарлар тарихан ўзбек халқининг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган қудратли туркий сулолалар — Турк хоқонлиги ва қорахонийлар даври билан боғлиқлиги аниқланган.**

▶ **“National Geographic2” версияси бўйича дунё бўйлаб 2024 йилдаги барчани ҳайратда қолдирган археологик кашфиётларнинг еттичилигига Туғунбулоқ ёдгорлиги изланишлари ҳам киритилди — энг ажойиб кашфиёт сифатида!**

▶ **Сўнгги ўн йилда учувчисиз учиш воситасига (УУВ), яъни дронга ўрнатилган Лидар технологияси кенг ҳудудларни тадқиқ этиш, қадимги урбанистик марказларни кашф қилиш ва хариталашни тубдан ўзгартирди. Бу технология ўсимликлар ёки тропик ўрмонлар билан қоплангани боис ўрганилмаган ҳудудларни тадқиқ этишда қўл келди.**

қурилишларнинг Тошбулоқда тахминан 12 гектар ва Туғунбулоқда эса 120 гектар майдонга ёйилгани аниқланди. Бу харита Тошбулоқ ва Туғун-

учун зарур ресурслар ва савдо масалаларини янгидан таҳлил қилишга ундайди.

Ўзбек археологияси фанида биринчи марта қўлланилган УУВ-Лидар ва қадимги деворларни яримаавтоматик аниқлаш усулларининг комбинацияси Марказий Осиёдаги тоғ шаҳарларини юқори аниқлик билан қайд этиш имкониятларини тақдим қилди. Қолаверса, бундай ёндашув VI — XI асрларда тоғли ҳудудларда мавжуд бўлган сиёсий тузилмаларнинг мураккаб шаҳарсозлик режалари ҳақида янги тасаввурларни беради. Шу пайтгача Ўрта аср Буюк Ипак йўлининг тоғли ҳудудлари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқалар учун тўсиқ ёки фақат “кўчманчи” дунёнинг маргинал (чекка) ҳудудлари сифатида кўриб келинган. Бироқ Туғунбулоқ ва Тошбулоқдаги улкан, мураккаб шаҳар инфратузилмаси ушбу “маргинал ва периферик” ҳудудларда шаҳарсоз-

лиқнинг ролини яна бир бор қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу ҳудудлар VI — XI асрларда — Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврда ўзига хос сиёсий ва иқтисодий шароитлар шаклланиган маконлар бўлган.

Туғунбулоқдаги муҳофаа ва меъморчилик кўламининг катталиги ҳамда мураккаблиги унинг қадимги даврда минтақадаги йирик аҳоли марказларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу шаҳарнинг баланд тоғда жойлашгани унинг инфратузилмасини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бошқа томондан, Туғунбулоқ ва Тошбулоқнинг тоғли ерда жойлашгани ўзига хос имкониятларни ҳам яратган. Масалан, бу маконларда ҳаракатчанликни ошириш ва демографик алоқаларни кучайтириш, шунингдек, ташқи босқинчи кучлардан ҳимояланиш имкониятлари кенг бўлган.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот археология фанида чуқур илдиз отган бир қолипдаги қарашларни ўзгартиради ва тоғли ҳудудлардаги сиёсий тузилмаларнинг тарихдаги ролига янгича ёндашувни шакллантиради. Эндиликда маълум бўлмоқдаки, ушбу тоғ ижтимоий тузилмаларига иккинчи даражали, деб қаралмаслик керак экан. Аксинча, улар ўз даврининг маданий, иқтисодий ва сиёсий манзараларига фаол таъсир кўрсатган. Уларнинг стратегик ўрни, айниқса, Шарқ ва Ғарб ўртасида кучли алоқалар, инновациялар шаклланиган тарихий даврда жуда муҳим бўлган. Бироқ қадимги Ўзбекистоннинг тоғ аҳолиси аънаваний тарихий тасаввурларда етарлича эътиборга олинмай келинган. Қолаверса, Тошбулоқ ва Туғунбулоқ ўрнидаги шаҳарлар VI — XI асрларга оид бўлиб, тарихан ўзбек халқининг келиб чиқишида муҳим ўрин эгаллаган қудратли туркий сулолалар — Турк хоқонлиги ва қорахонийлар даври билан боғлиқлиги аниқланган. Турк хоқонлиги ва қорахонийлар ўз даврида Марказий Евроосиёнинг катта қисмини, жумладан, Туркистон ўлкасини ҳам бошқаргани ёзма манбалардан маълумдир.

Сўнгги йилларда кашф этилган Тошбулоқ ва Туғунбулоқ археологик ёдгорликлари ўзининг ноёблиги ва аҳамияти билан халқаро илмий ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Бизнинг навбатдаги долзарб вазифамиз эса уларни Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Миллий рўйхатига қўшиш, асраш ва атрофлича тадқиқ этишдир.

**Фарҳод МАҚСУДОВ,**  
**тарих фанлари доктори,**  
**профессор.**  
(«Ватан» журналининг  
2024 йил 4-сонидан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Метапневмовирус — аввалдан маълум инфекция

Сўнгги кунларда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда дунё мамлакатлари бўйлаб метапневмовирус инфекцияси авж олаётгани ҳамда ушбу хасталик “Covid-19”дан ҳам хавфлироқ эканлиги ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Санитария-эпидемиологик осийштакли ва жамоат саломатлиги кўмитаси бошқарма бошлиғи Рустам Икромовнинг маълум қилишича, метапневмовирус аввалдан маълум инфекция бўлиб, касаллик, асосан, ҳаво-томчи йўли орқали ёки баъзи ҳолатларда ифлосланган юзалар билан алоқа натижасида юқади ва тарқалади. Бундай вирус билан хасталаниш ҳолатлари дунёнинг барча минтақасида ҳар йили қайд этилади, куз-қиш даврида янада фаоллашуви кузатилади. У билан касалланган одамларнинг аксарияти асоратсиз тугалиб кетади.

Ўзбекистонда айна вақтда ўткир респиратор инфекцияларнинг мавсумий кўтарилиши кузатилмақда. Уларнинг лаборатория текширувлари мунтазам амалга ошириб келиняпти ва ана шундай текширувларнинг 39,9 фоизда грип вирус, 32,2 фоизда риновирус, 30,6 фоизда респиратор-синцитиал вирус ва 1,2 фоизда метапневмовирус аниқланган.



Ишлаб чиқариш амалиётининг янги тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг “Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2025 йил 1 январдан бошлаб ўқувчилар учун ишлаб чиқариш ҳамда дипломолди амалиётлари ўрнига ягона ишлаб чиқариш амалиёти тизими жорий этиладиган бўлди.

Шунингдек, бу амалиётни ўтайдиган ўқувчиларга тегишли ташкилотлардаги малакали мутахассислар устоз сифатида бириктирилади. Мазкур жараёнда эгалланган амалий кўникмаларни иш берувчилар билан биргаликда баҳолаш тизими йўлга қўйилади.

Маълумот учун, ушбу қарор билан Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди.

Халқаро даражадаги энергетиклар ўзимизда тайёрланади

Миллий технологик тадқиқотлар университети — МИСЧнинг Олмалик шахридаги филиали “Электр энергетикаси ва электротехника” йўналиши бўйича таълим бериш учун лицензияга эга бўлди.



Энергетика вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, лицензия олиш жараёни бир йилдан ортиқ вақтни талаб этди ва бу жараён кампусда зарур шароит яратиш, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш каби муҳим босқичларни ўз ичига олди.

Талабалар 2025 йилдан ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, Россия университети филиали негизда магистрлик дастурларини ўз ичига олган Илғор муҳандислик мактаби (ИММ) ташкил этилади.

Филиал 2018 йилдан буён фаолият юритиб, қончилик, металлургия ва автоматлаштириш соҳаларида мутахассислар тайёрлаб келмоқда.

«Халқ сўзи».

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ, ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Шу билан бирга, “Халқ ва армия — бир тану бир жон!” деган эзгу ғоя асосида эртанимиз эгаларини юртга садоқатли, асл ватанпарвар авлодлар сифатида тарбиялаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. ДХХ Чегара қўшинлари бўлиммалари масъул қилинган чегараолди ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқот ва учрашувлар ўтказилляпти. Ушбу таълим муассасаларидаги “Ёш чегарачилар” клублари фаолияти эса ўқувчи ёшларнинг илк ҳарбий кўникмаларини шакллантириб, сарҳадларимиз посбонларига муносиб издошларни тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ислохотлар хусусида сўз юри тилар экан, Президентимиз томонидан олиб борилаётган очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат натижасида чегарадош давлатлар билан яқин қўшнчилик алоқалари ва дўстона муносабатлар янги босқичга чиқиб, тобора мустақамланиб бораётганини таъкидлаш ўринли. Бу эса тили, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари бир-бирига яқин бўлган, кўп йиллардан буён қариндошлик ришталари билан ўзаро чамбарчас боғланган қардош халқларни янада жипслаштирмоқда.

Шу билан бирга, туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, давлат чегараси орқали ўтишда фуқароларга яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар, ўтказиш пунктлари инфратузилмасининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани ҳам юртимизга кириб келаётган йўловчилар ва транспорт воситалари оқимининг тобора ортишига хизмат қилмоқда. Жараёнда қатор ўтказиш пунктлари янгидан барпо этилди, кўплари қайта таъмирланиб, реконструкция қилинди. Бир неча ўтказиш пунктларининг мақоми “халқаро” тоифага ўтказилиб, кечаю кундуз фаолият юритиш тартиби белгиланди.

2023 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон фуқаролари Қирғизистонга, ушбу мамлакат фуқаролари Ўзбекистонга ID-карта орқали ўтиб-қайтиш имконига эга бўлди. 2024 йил сентябрь ойида “Қорасув” ҳамда “Учқўрғон” автойўл ўтказиш пунктлари иш фаолиятининг қайта йўлга қўйилиши икки қардош халқ ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва яқин қўшнчилик муносабатларини янада мустақамлаш билан бирга, мазкур ўтказиш пунктлари қисқа фурсатларда давлат чегарасини кесиб ўтиш учун катта имконият яратди. Хусусан, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида жойлашган “Қорасув” автойўл ўтказиш пункти фаолиятининг тикланиши авваллари қўшимча 60 км. масофани босиб ўтиб “Дўстлик” халқаро ўтказиш пункти орқали ҳаракатланган фуқароларнинг узоғини яқин қилди.

Халқаро ҳамкорлик ҳақидаги фикрларимизни узоқ давом эттириш мумкин. Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйган. Ҳамкорликда икки ва кўп томонлама учрашувлар, ўқув машқлари, кадрларни тайёрлаш ва илғор тажрибаларни ўрганиш борасидаги халқаро конференция ҳамда семинарлар доирасида ўзаро тажриба алмашиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон МДХ давлатлари Чегара қўшинлари кўмондонлари Кенгашининг аъзоси саналиб, унинг йўлгишлилари давомида аъзо мамлакатларнинг давлат мустақиллиги ва чегаралари дхлсизлигини таъминлаш борасида ҳам ўзаро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси ҳам Қўролли Кучлари



миз Олий Бош Кўмондони ва хизмат раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ҳушона, замонавий турдаги чегарани қўриқлаш взводлари намунавий лойиҳа асосида қурилиб, барча шарт-шароит ва қулайликка эга хизмат хонадонлари фойдаланишга топширилмоқда.

Туман марказларидан олисда жойлашган взводларда мактабга таълим муассасаларининг қисқа муддатли гуруҳлари ташкил этилиб, ҳозирги кунда сарҳадларимиз посбонлари ҳамда маҳаллий аҳолининг фарзандлари тарбияланмоқда. Фаолияти йўлга қўйилган кичик тикув цехларида эса ҳарбий оила бекаларининг бандлиги таъминланяпти.

Демак, инсон қадрли улуғланаётган янги Ўзбекистонда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари жанговар-хизмат фаолиятида ҳам ўз ифодасини топяпти. Юрт ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари учун муносиб хизмат ҳамда турмуш шароитлари яратилаётгани сарҳадларимиз посбонларининг давлатимиз чегараларини янада масъулият билан, мустақам қўриқлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Собиржон ИСАКОВ,**  
**ЎЗР ДХХ Чегара қўшинлари**  
**полковниги.**

## НАВОИЙ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОР ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Нурота, Хатирчи ва Қизилтепа ҳудудлари бўйича учта халқаро “Навоий — Буюк Ипак йўлининг мафтункор чорраҳаси”, “Айдарқўл — саҳро мўъжизаси” ҳамда “Нурота — тарих ва табиат уйғунлашган маскан”, учта маҳаллий “Қизилтепа — Саҳронинг қадимги дарвозаси”, “Хатирчи — табиат мўъжизаларига бой маскан” ва “Қўҳна Навоийнинг саҳро мўъжизалари” деб номланган туристик пакетлар ишлаб чиқилди.

Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўрнига эга. Вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озик-овқат саноати изчил ривожланган. Бугун вилоятда мамлакатимизда ўз ўрнига эга бир қанча йirik санаот корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Юртимиздаги жами яйловларнинг 43 фоизи Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келса-да, унинг бор-йўғи 5 фойзидан фойдаланиляпти, холос. Шу боис 350 минг гектар яйловга дронлар ердამида иқлимга мос озуқа экинлари, доривор ва зиравор уруғлар сеилиб, аҳолига бўлиб бериладиган бўлди. Томди ҳамда Учқудук туманларида эчкичилик ва қўйчилик ривожлантирилади. Вилоятда қорақўлчиликни кенгайтириш янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, Томди ва Нурота туманларини қурилиш материаллари, чорвачилик ҳамда туризмга, Хатирчини тўқимачилик ва мева-сабзавотчиликка иктисослаштириш учун барча шароит мавжуд. Хусусан, Хатирчида гени ўзгармаган ва органик маҳсулот сертифициратини берадиган замонавий лаборатория ташкил қилинмоқда. Мазкур туманда 500 гектар, Навбаҳорда 200 гектар адир ерда интенсив бог ва тоқзорлар барпо қилинади. Далалар ва маҳаллаларда бозорлар маҳсулотлар етиштириш рағбатлантирилади. Жумладан, Италиядан кунгабоқар уруғи олиб келиб, такрорий экин сифатида 10 минг гектар ерга экиш таклиф қилинмоқда. Натижада



5 минг нафар аҳоли қўшимча даромадга эга бўлади, ишлаб чиқариладиган кунгабоқар ёғи вилоят аҳолисининг йиллик талабини қоплайди.

Пахтачиликда ҳам ҳудуд типорига мос, сувсизликка чидамли Хитой ғўза навларини экиш кенгайтирилади. Утган йили вилоятда 111 минг аҳоли ишга жойлаштирилган. Жорий 2025 йилда 140 минг аҳоли бандлигини таъминлаш, 10 мингта оилани камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Буларнинг барчаси халқимиз ҳаётдан рози бўлиши, уларнинг эртага эмас, бугун фаровон яшашига эришиш йўлида амалга оширилмоқда.

Шунча сайй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган қарорларнинг пировард мақсади — оддий одамлар ҳаётига ўзгариш олиб кириш, даромадини кўпайтириш, иш билан таъминлаш ва яшаш тарзини яхшилашдан иборат. Бу ўз-ўзидан улар фарзандларининг олий таълим олиши, замонавий уй-жой, тоза ичимлик суви ва муносиб ҳаёт тарзига эга бўлиши, дегани.

Эътиборлиси, буларнинг барчаси Президентимиз диққат-эътиборида. Марказдаги раҳбарлар қарорлар чиқаришда ҳокимларнинг умумий ҳисоботлари билан кифояланиб қолаётгани танқид қилиниб, бундан буён ҳудуд-

ларга оид ҳар бир масалани туман, қишлоқ, маҳалла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг энг куйидаги илдизигача тушиб, ҳал этиш зарурлиги таъкидланаётгани ҳам бежиз эмас. Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бошлаш, қайси ҳудудда қайси йўналишни ривожлантириш, бунга қанча маблағ ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талаби қўйилаётгани ортида халқимизнинг чинакам фаровонлигига эришиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, Навоий вилоятда имкониятлар ҳали кўп. Юртимиздаги 5 трлн. долларликдан ортик қазилма бойликларининг 20 фоизи айнан шу ҳудудда. Бу исталганча инвесторлар талабини қондира олади. Вилоятда ҳар йили 100 трлн. сўмликдан ортик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад бўйича вилоятимиз мамлакатимизда иккинчи ўринда. Булар маҳаллий тадбиркорликни ривожлантириш, савдо хизматлари, умумий овқатланиш ва туризмин кенгайтириш учун катта имконият. Ҳозирда вилоятда 11 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда, яна 5,2 гигаваттли шамол ва қуёш станциялари ишга туширилади. Булар янги саноат ва сервис корхоналарининг узлуқсиз ишлаши қалолати ҳисобланади. Жорий йилда вилоятга 3,7 млрд. доллар хорижий инвестиция киритилиши, натижада 600 та янги корхона очилиб, 15 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Энг муҳими, бу лойиҳалар нафақат Навоий, балки қўшни вилоятлар саноати-

нинг ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Бугунги кунда Навоий вилояти улкан бунёдкорлик майдонини эслатади. Айниқса, “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиши жадал кетаяпти. Бундай янги шаҳарчалар одамларнинг ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун муносиб шароит яратди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида Кармана туманидан 1 100 гектар ер Навоий шаҳрига ўтказилди. Биринчи босқичда 450 гектар майдонда қурилиш режалаштирилган. Шаҳарчада кўп қаватли уй-жойлар, умумтаълим мактаблари, болалар босчалари, поликлиника барпо этилади. “Янги Ўзбекистон” боғи, Навоий давлат университети янги кампуси ҳам шу ерда бўлади. Вилоятда саноат ривожланган бўлса-да, хизмат салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган эди. Шу боис шаҳарчада сайилгоҳ, кўнглолар масканлар, савдо дўконлари, овқатланиш шохобчалари ташкил этилиб, хизматлар ривожлантирилади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда “Инсон қадрли учун, инсон бахти учун!” деган олийжаноб мақсад рўёбга чиқарила экан, бу борадаги амалий сайй-ҳаракатлар Навоий вилоятида миллат, халқ манфатларини таъминлашга, унинг қаддини кўтаришга хизмат қилляпти. Қаддини ростлаган халқ эса она Ватан обрў-эътиборини ҳам юксакларга кўтариши, шубҳасиз.

**Бахтиёр МАРДОНОВ,**  
**Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ректори,**  
**техника фанлари доктори, профессор.**

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

## ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИК

### Ресурс танқис, талаб эса катта...

Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш — инсоннинг асосий ҳуқуқи. Шунинг билан бирга, табиатга олган ҳолда Ўзбекистонни замонавий ва ҳаёт учун қулай мамлакат сифатида ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади.

Кейинги йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари соҳасида қамров даражасини ошириш ва шу тариқа аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги етти йилда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга 20 трлн. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан 2 916 та сув иншооти ва 43 минг километрга яқин ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси бугунга келиб 80 фойздан (2017 йилда 63 фойз) ошди.

Ушбу давр мобайнида 8 млн.га яқин аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, 14,5 млн. нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. 2026 йилда бу кўрсаткич 88,9 фойзга етиши мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини акс эттирувчи бир қатор концептуал ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва

бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барча соҳа қатори қишлоқ ҳўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар асосида маҳсулот таннариҳини 30 — 35 фойзга тушириш, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларни 1,5 млн. гектарга етказишга устувор аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда томчилатиб сугориш технологияларини 2025 йилгача 77,4 минг гектардан 300 минг гектарга, 2030 йилгача эса 600 минг гектаргача етказиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 млрд. куб метр сув иқтисод қилинган.

### Оққанидан томчиллагани афзал

2019 йилдан бошлаб мамлакатимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим — субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида фермер ҳўжаликлари вакиллари учун кургзмали семинарлар ўтказилмоқда. Намунали фермерларнинг тажрибаси асосида сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмлари намойиш қилинмоқда.

Сув ҳўжалиги вазирилик томонидан фермер ҳўжаликлари ўртасида сувдан оқилона фойдаланишнинг ҳаётий заруратини тушунтириш, томчилатиб сугориш усулига ўтишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, сувни те-

жовчи технологияларни амалиётга татбиқ қилишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Бироқ тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани қишлоқ ҳўжалигида ундан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб қилляпти. Обиҳаётдан оқилона фойдаланиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида истеъмол маданиятини юксалтириш, ичимлик суви учун бозор нархларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундай табиий муаммолар тобора сув танқислигини юзага келтирса-да, бебаҳо ресурсга нисбатан масъулиятсиз муносабат ҳали-ҳамон давом этаётганини инкор қилиб бўлмайди. Бугун республикамиз мексикада сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари, сувдан ноконунли фойдаланганлик учун қўлланилаётган жарималарга қарамасдан баъзи одамларнинг бепасанд хатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин? Бу маданиятсизликми ёки юрт тараққиётига бепарволикми?

Афсуски, бугунги кунда шаҳарларда аҳолининг суви тежаш муаммосига лоқайд муносабатига дуч келамиз. Кўп ҳолларда сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаёттир. Баъзи кишилар машинасини тоза ичимлик суви билан юваётганини, бошқаси эса салқинлик яратиш мақсадида кун тигида асфальтни ичимлик суви билан “сугораётганини” қўриш мумкин...

### Эртага эмас, бугун тежаш керак

Ҳозирги шароитда одамларнинг бундай бебаҳо ресурсга масъулиятсиз муносабатини ўзгартириш ва истеъмолчиларни сувдан тежам-

кор ҳамда оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш даври келди. Истеъмолчиларнинг сувдан норационал фойдаланиши, бир томондан — сувдан фойдаланиш маданиятининг пастлиги, бошқа томондан, аҳолининг катта қисмида суви тежаш учун асл мақсад ва рағбатлантиришнинг йўқлигига бориб тақалади.

Шу муносабат билан бугунги кунда сув тарифларини шакллантиришда истеъмолчилар билан бозор муносабатларига ўтиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Амалиёт шунини кўрсатадики, аҳолининг сувдан тежамкор ва оқилона фойдаланиши кўп жиҳатдан бу бебаҳо ресурс нархи билан чамбарчас боғлиқ.

Бошқа томондан, аҳоли ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш бўйича доимий тизимли ишларни амалга ошириш зарур. Ушбу тушунтириш ишлари таълимнинг барча босқичида — “болалар босчаси — мактаб — университет” ва энг муҳими, оилада зарур. Ёш авлодди обихаётга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида мактаб ва олий ўқув юртларида тарбиявий курслар ўтказиш амалиёти одатий ҳолга айланиши керак.

Айни чоғда суви муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли миллий таълим дастурлари яратиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Масъул идоралар сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш чора-тадбирларини тарғиб қилишга катта аҳамият қаратиши лозим. Оммавий аҳборот воситаларида мунтазам эълонлар ташкил этиш, конференция ва семинарлар, эоакцияларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Машҳур эстрада ва кино юлдузлари иштирокида олинган сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга ундовчи ижтимоий рекламаларнинг ҳам аҳамияти бекиёс.



Муаммонинг жиддийлигини инобатга олган ҳолда маҳаллий оммавий аҳборот воситалари суви тежаш бўйича амалий тавсиялар акс эттирилган махсус саҳифа ва мақолаларни мунтазам нашр қилиб туриши керак.

Глобал иқлим ўзгариши, Ўзбекистон аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши фондида сувга бўлган талаб йил сайин ортиб бориши билан экологик муаммолар, айниқса, сув ресурсларининг ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан қисқариши хавфини ошириш тенденцияси доимий равишда кузатишмоқда. Мамлакатимиздаги мураккаб вазият бу йўналишда изчил ислохотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Асосийси, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш келажак авлодлар учун ҳам барқарор ҳаёт гарови эканини унутмаслигимиз керак. Башарти шундай экан, Ўзбекистон шароитида бу кимматбаҳо ресурсни ўзгарувчан иқлим шароитида кўз қорачиқдек асраш ва тежаш ҳар бир фуқаро зиммасидаги вазифа эканини ҳеч қачон ёддан қиммаслигимиз лозим. Зеро, сув қадрли эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқдир.

**Аҳмад СУВАНКУЛОВ,**  
**«Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси**  
**вазифасини бажарувчи.**

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа тумани марказига кираверишда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси монументи барпо этилди.

### Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши**

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;**  
**эълонлар 71-259-74-45.**



Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазмунини беришни учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаоббар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.**  
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.**  
**Мусахҳас — С. Исломов.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6